



Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Р.ИРМАТОВНИ «ЭЛ-ЮРТ ХУРМАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Халқаро майдонда мамлакатимизнинг спорт соҳасидаги шон-шухратини юксалтириш, ўзбек футболнинг нуфузини ошириш, миллий футбол ҳакамлари мактабини ривожлантириш ишига қўшган муносиб ҳиссаси учун Ўзбекистон футбол федерациясининг халқаро тоифадаги ҳаками, ФИФА рефериси Равшан Сайфиддинович Ирматов «Эл-юрт хурмати» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2014 йил 25 июль.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Куни-кеча парламент кўйи палатасида санитария-эпидемиология масалаларига оид янги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Янги қонун лойиҳаси

унга қандай зарурат бор?

Ҳар бир одам кулай атроф-муҳит шароитларига эга бўлишга ҳақли. 1992 йилда қабул қилинган «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 4-моддасида шундай деб кафолатланган. Мазкур қонунга мувофиқ мамлакатимизда санитария-эпидемиология масалаларида хотиржамлик ва ҳавфсизликни таъминлаш, фуқароларнинг бу борадаги ҳуқуқларини рўйба қиқариш бўйича муҳим ишлар амалга

ошириб келинмоқда. Лекин жорий йил 24 июль куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Вазирилари Маҳкамаси томонидан киритилган санитария-эпидемиология масалаларига оид янги қонун лойиҳасини кўриб чиқди. Ушбу қонун лойиҳасида «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги қонунни ўз кучини йўқотган, деб топиш ҳақидаги масала ҳам бор. Нега бундай бўлаяпти?..

▶ Давоми 2-бетда.

Бизнинг юртда инсон қадрли улуғ, шаъни муқаддас

Яқинда партия кенгаши ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди шаҳар бўлими ҳамкорлигида «Янгиобод» маҳалласида истиқомат қилувчи 1-2-гурӯх ногиронлари, боқувчисини йўқотган ва кам таъминланган оила аъзолари тиббий кўриқдан ўтказилиб, керакли дори-дармонлар билан таъминланди.

2



Ватанни шарафлаш саодати

2014 йилнинг 12 июнь — 13 июль кунлари Бразилияда ўтказилган футбол бўйича жаҳон чемпионатида ўзбекистонлик ФИФА рефериси Равшан Эрматов иштирок этиб, Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги шон-шухратини янада юксалтиришга, халқимизнинг куч-қудратини ва салоҳиятини намойиш этишига муносиб ҳисса қўшди.

Нуфузли халқаро мусобақаларда юксак натижаларга эришган ҳамюртларимиз эл-юртимиз ардоғида бўлиб, улар муносиб рағбатлантирилмоқда.

3

Тарихий хотира

мустақилликни қадрлашга ўргатади

Кекса бир отахоннинг ўн йилча илгари айтганлари ханузгача мени ҳаяжонга солади: — Мустақиллик эълон қилинганда хўнграб йиғлаганман... — деганди у. — Эски тузум даврида ўз тилимизда ариза ёзсак, қабул қилинмаган кунларни кўрдик. Аризани бошқа тилда имло хато билан ёзганим учун қаттиқ дакки ҳам эшитганман. Хурриятнинг биринчи кунларида аризани

илк марта она тилимизда ёздим. Ушанда қувончдан кўз ёшимни тўхтаётганимман. Истиқлол узоқ вақт топталган халқ тилини ўзига қайтарди. Чунки тил бор экан, миллат бор. «Агар сенинг она тилинг эртага ўлади, дейишса, мен бугун ўлишга тайёрман» деган эди машҳур шоирлардан бири.

▶ Давоми 2-бетда.

Этибор ва ғамхўрлик

Болалар қалбида байрам шуқуҳи

Бухоро вилоятида Мустақилликнинг 23 йиллиги байрами олдидан «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шiori остида фестивал бошланди. Фестивалнинг биринчи кунги тадбирлари 32-сонли Мехрибонлик уйида ташкил қилинди.

Мазкур муассасада 90 нафар тарбияланувчи воёга етмоқда. Чин етим, боқувчисини йўқотган болалар, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган оилаларнинг фарзандлари қалбига мазкур фестивал катта байрам шуқуҳини олиб кирди.

Таниқли ижодкор, зиёлилар, эстрада хонандалари, кино ва театр актёрлари, адабиёт, ма-

даният намояндалари, жамоатчилик вакиллари иборат тарғибот гуруҳи аъзолари ижод намуналари билан тарбияланувчилар кўнглини хушнуд этдилар. Шу ўринда муассаса тарбияланувчилари ҳам бадиий чиқишлар орқали йиғилганларга ўз истеъдодларини намойиш қилди.

— Болаларнинг беғонаси бўлмайди, — дейди «Ўзбекфильм» киностудияси актёри Адиз Ражабов. — Шунингдек, меҳр, этибор, му-

ҳаббатнинг ҳам ортиқчаси йўқ. Яқинлашиб келаётган энг улуғ, энг азиз байраминиз арафасида Мехрибонлик уйи болалари ҳузурда бўлганимиздан ва уларга қувонч улашаётганимиздан бахтиёримиз.

Вилоятнинг барча ҳудудларида давом этаётган фестивал ватанпарварлик ҳиссини ёшлар қалбига чуқур синдиришга хизмат қилади.

Дилдора ИБРОҲИМОВА

Барча даражадаги партия ташкилотлари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги ЎЗХДП гуруҳлари 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижросига қаратилган амалий ишлар билан фаол шуғулланиши, депутатлик ҳамда жамоатчилик назоратини тизимли равишда кучайтириб бориши талаб этилади.

БАНДЛИК

Маҳсулотлар ҳажми ортади, янги иш ўрни яратилади

Хонобод шаҳридаги собиқ «Фотон» заводи ўрнида «SARESSO-TEXTILE» масбулоти чекланган жамияти ташкил қилинган эди. Корхонага ўз маблағлари ҳамда Халқ банки томонидан берилган 400 миллион сўм кредит эвазига хориждан замонавий тўқув дастгоҳлари келтирилиб, ишга туширилди. Пахта қалава ипидан трикотаж матолари тўқиш йўлга қўйилди.

— Бугунги кунда бир кеча-кундузда 3 тонна трикотаж матоси тайёрлаяпмиз, — дейди корхона раҳбари Рафиқжон Юлдашев. — Жамоамизнинг аксарияти коллеж битирувчилардан иборат. Ёш йигит-қизларимизнинг меҳнати билан тўқилган сифатли матоларимизга талаб катта.

Корхонада янги тикув дастгоҳлари ўрнатилиб, болалар ва хотин-қизлар учун тайёр кийимлар тикиш режалаштирилган. Бу корхона фаолияти кенгайтирилиб, унлаб янги иш ўринлари яратилади, деганидир.

Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Ёшлар корхонага йўл олмоқда

Денов туманида жойлашган 14 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицейни жорий ўқув йилида 7 мингга яқин ўқувчи битказди. Тумандаги тегишли ва манфаатдор идора-ташкилотлар томонидан уларнинг етук касб эгалари бўлишлари учун махсус дастур асосида иш олиб борилаёпти.

— Шу йилнинг ўтган даврида уч марта бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси ташкил этилиб, коллежларда «Очк эшиклар кунини» ўтказилди, — дейди ҳокимлик масъул ходими Маҳмуджон Расулов. — Битирувчиларнинг 95 фоиздан ортиғи билан тумандаги тегишли ташкилот ва идоралар ўртасида уч томонлама шартнома тузилган. Бу борада молия муассасалари ҳам яқиндан кўмак бермоқда.

— Ўтган ярим йилда тумандаги қатор тижорат банклари, шу жумладан, бизнинг банкимиз томонидан битирувчиларга 248,6 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди, — дейди Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Денов филиали раҳбари Сирожиддин Қосимов. — Банк кредитлари битирувчиларнинг ўз мустақил бизнесини бошлаши ва келажақда ўзлари ҳам янги иш ўринлари яратишларида пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтыда ўқинг

Марказий сайлов комиссияси

бошқа давлат органларидан мустақил равишда иш юритади. Бу кафолат янада мустаҳкамланмоқда



www.uzbekistonovozi.uz



Санжар ШОТУЛАГАНОВ олган сурат.

Жамоатчилик қабулхонаси

Ўзбекистон Халқ демократик партияси тизимидаги Жамоатчилик қабулхоналари аҳолини ўйлантираётган масалаларни ўрганишда муҳим аҳамият касб этмоқда. ЎЗХДП Учтепа туман кенгаши Жамоатчилик қабулхонасига жорий йилнинг шу даврига қадар 30 га яқин муурожаат тушган. Уларда асосан уй-жой-коммунал хўжалиги, бандлик, таълим тизими билан боғлиқ масалалар кўтарилган. Тегишли ташкилотлар кўмағида муурожаатларнинг қарийб 80 фоизи ўзининг ижобий ечимини топган. Қолганларига ҳуқуқий маслаҳатлар берилган.

Таҷриба кўрсатаётгани, Жамоатчилик қабулхоналари партия ташкилотлари билан электоратни ўзаро боғлаб турадиган механизмлардан бирига айланди.

Суратда: ЎЗХДП Учтепа туман кенгаши Жамоатчилик қабулхонасида.

Халқ депутатлари Янгиобод туман Кенгашидаги ЎЗХДП гуруҳи ҳудудда болалар спортини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалани сессия муҳокамасига олиб чиқди.

Тафсилотлар билан газетамизнинг кейинги сонидан танишасиз.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



Янги қонун лойиҳаси

унга қандай зарурат бор?

«Давлат санитария назорати тўғрисида»ги қонун бўла туриб, бу борада янги қонун қабул қилишга қандай зарурат туғилди? Бунинг асосий сабаблари нималардан иборат?

Бу саволларга Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Саттор Раҳматов куйидагича жавоб берибди:

«Соглом бола йили» Давлат дастурида мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом авлод вояга етиши учун шароит яратиш бош мақсад қилиб қўйилган. Ҳозир атроф-муҳит тез ўзгараётган, касалликларнинг тури кўпайиб бораётган. Ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш кенгайгани сари маҳсулотлар ва хизматларнинг инсон учун хавфсизлигини таъминлаш, бу борада ҳуқуқий муносабатларни изчил тартибга солиш, ким нима учун жавобгарлигини аниқ белгилаб қўйиш зарурати юзага келди. «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги қонунда бу масалалар тўлиқ қамраб олинмаган.

Янги қонун лойиҳасидаги муҳим жиҳатлардан бири аҳолининг санитария-эпидемиология масалаларида осойишталигини таъминлашда нафақат давлат органлари, балки фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат ношароит ташкилотлар, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона-ташкilotлар, хусусий тадбиркорлик субъектлари, фуқаролар иштирок этиди. Шунинг учун уларнинг ваколатлари ва мажбуриятлари белгилаб берилаётган. Чунки санитария-эпидемиология хотиржамлик давлат назорати билангина таъминланадиган қийин. Бу бугун жамият олдидаги масъулиятни вазифа ҳисобланади. Мазкур жараёнда ҳар кимнинг ўз ўрни, иштироки

ва ҳисса бўлиши мақсадга мувофиқ, деб ўйламан.

Қонун лойиҳаси мамлакатимизда санитария-эпидемиологик вазиятни барқарор сақлаш, аҳоли саломатлигини асраш ва турли юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш чоратадбирлари кўрилишини кафолатлайди.

ЎзХДП фракцияси аъзоларининг таъкидлашича, қонун лойиҳаси аҳолининг санитария-эпидемиологик масалаларида осойишталигини таъминлаш тизимини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шунингдек, ижро этувчи органлар ва назорат қилувчи хизматларга кенг имконият беради.

Қонун лойиҳасида меҳнат шароитларига қўйиладиган санитария-эпидемиологик талабларни аниқлаштириш назарда тутилмоқда. Унга кўра, иш берувчилар ишлаб чиқариш жараҳатларининг ва касб касалликларининг олдини олиш мақсадида ходимларга хавфсиз меҳнат шароити ярати бериши, санитария-эпидемиология талабларига риоя этиши шартлиги белгилаб қўйилаяпти. Бу ҳозирда хусусий секторда меҳнат қилаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

ЎзХДП фракцияси шуларни ҳисобга олиб, Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қўллаб-қувватлади. Энди масъул кўмита фракциялар ва депутатларнинг тақлиф-мулоҳазалари асосида уни иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрлайди.

Қонун лойиҳаси бўйича депутатлар қандай фикр ва тақлифлар беради?.. Бу ҳақда жамоатчиликни албатта хабардор этиб боришга ҳаракат қиламан.

Тўлқин ТўРАХОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Давоми. Бошланғич 1-бетда.

Тарихий хотира

мустақилликни қадрлашга ўргатади

Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги муносабати билан ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши Зангиота туманида «Мустақиллик юртимиз ободлиги, турмушимиз фаровонлиги, халқимиз бахту саодатининг кафолатидир» мавзусида ўтказилган давра суҳбатига ҳам мустақиллик моҳияти, унинг инсонлар тақдирини тўғри ўрни хусусида сўз борди.

Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, вилоят партия кенгаши ходимлари, ёзувчи ва шоирлар, сиёсатшунос олимлар иштирок этиди.

Очқ-ойдин мулоқот қизилган кезиди. Мустақиллик ва унинг неъматлари ҳақида ҳаётий мисоллар, таниқли инсонларнинг сўзларини барча жон қулгоғи билан тинглади, шунингдек, бу мавзуда ўз фикр-мулоҳазаларини билдираман, деб сўз олган иштирокчилар ҳам кўп бўлди.

— Ойлада бир кунгина нон туғаб қолса, хонадон эгасининг тинчи, ҳаловати йўқолади, фарзандларига ризқ топиш учун жонини жабборга беради, — деди Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон халқ шоири Махмуд Тоир. — Мустақилликнинг дастлабки кунлари ҳам шундай эди.

Ун ва нон тақчиллиги кўпчиликни умидсизликка солиб қўйган, айрим мамлакатлар Ўзбекистоннинг оёққа туриб кетишига шубҳа билан қарар эди. Президентимизнинг қатъий талаб ва ташаббуси билан ғалла мустақиллигига эришдик. Бугун ўзбек деҳқони 8 миллион 50 миң тонналик хирмонга ўз меҳнати ва иродаси билан эга бўлди. Энди мустақилликнинг дастлабки йиллари билан бугунги кунимизни ўзингиз таққослаб кўраверинг. Бу ғалаба ҳар қанча фахр-ифтихорга муносиб.

Тадбир давомида шоир ўз шеърида, санъаткор кўшиқларида истиқлолни тараннум этди. Айниқса, таниқли спорт шарҳловчиси Ахбор Имом-хўжаевнинг мустақиллик йилларида спорт соҳасида эришган ютуқларимиз ҳақидаги фикрлари кўпчиликни тўлқинлантириб юборди.

— Собик тузум даврида Ўзбекистон деганда кўпчилик кўз ўнгига адоқсиз пахта далалари келарди, — деди у. — Бугун бу юртни юқоридан кузатинг: дарахтлар, осмонўпар бинолар, равон йўллар ва албатта, ям-яшил стадионлар, спорт майдонларини кўрасиз. Яқинда футбол бўйича жаҳон чемпионати ниҳоясига етди. Унда ўзбек-

кестонлик ФИФА рефериси Равшан Эрматов муҳим баҳсларни моҳирона бошқарди. Уни кутиб олиш маросимида бир вақтлар стадиондан туриб футбол шарҳлаганимиз ёдимга тушди. Битта учрашувни шарҳлаш учун 10-15 кунлаб тайёргарлик кўрардик. Учрашув бошланишига 15 дақиқа қолганида ўйинни ўз она тилимизда эмас, ўзга тилда бошқа киши шарҳлаши ҳақида буйруқ келарди. Хўрлигим келиб, майдондан чиқиб кетган пайтларим кўп бўлган. Майли, бу хотиралар ҳозир ўсиб келаятган авлод учун бир эртак каби бўлиб қолаверсин. Фақат ундан тўғри хулоса чиқариб, мустақиллигимизни асраб-авайлаб яшашимиз керак.

— Учрашув орқали кўпчилик ёшларда мустақилликка бўлган давр ҳақида тасаввур пайдо бўлди, — дейди Зангиота туманидаги 51-мактаб ўқитувчиси, ЎзХДП аъзоси Наргиза Халилова. — Бу эса бугунги ютуқларга қанчалик машаққат билан эришилганини аниқлатади, мустақилликни қадрлашга ўргатади. ЎзХДП томонидан ўтказилаётган бу каби тадбирлар одамлар, айниқса, ёшлар мустақиллик моҳиятини чуқурроқ тушунишига хиз-

мат қилади. Тадбирда сўз олганлар мустақиллик йилларида одамларнинг дунёқараши, тафаккурида юз берган ўзгаришлар, жаҳон ҳамжамиятида тенглар ичида тенг бўлиб, ҳар бир соҳада эришаётган ютуқларимиз хусусида кўп-кўп фикр билдиришди. Бундай учрашувлар баланд-



Фотрух АЛИЕВ олган суратлар.

мат қилади. Тадбирда сўз олганлар мустақиллик йилларида одамларнинг дунёқараши, тафаккурида юз берган ўзгаришлар, жаҳон ҳамжамиятида тенглар ичида тенг бўлиб, ҳар бир соҳада эришаётган ютуқларимиз хусусида кўп-кўп фикр билдиришди. Бундай учрашувлар баланд-

парвоз гаплар билан эмас, одамларнинг қалби ва онгига етиб борадиган халқчи ва таъсирчан усулда ўтказилиши керак. Ушбу давра суҳбатига ана шундай йўл танлангани муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Бобур ЭЛМУРОДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти

«Истиқбол» ёшлар қаноти Самарқанд вилоят бўлими Пахтачи туманида шу мавзуда семинар-тренинг ўтказди. Унда ЎзХДП Самарқанд вилоят кенгаши масъул ходимлари, бошланғич партия ташкилотлари раислари, халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, «Ёш сиёсатчилар» клубининг 200 нафарга яқин аъзоси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва «Камолот» ЁИХ фаоллари иштирок этди.

Семинарда бугунги кунда сиёсий партияларнинг сайлов жараҳатларида эркин, фаол иштирок этиши, сайлов ҳуқуқлари тўлиқ амалга оширилишини мустаҳкам кафолатлайдиган ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техник шароитлар яратилгани, бу эса ўз навбатида сиёсий партиялардан янада фаоллигини талаб этиши таъкидланди.

— ЎзХДП фракцияси шуларни ҳисобга олиб, Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қўллаб-қувватлади. Энди масъул кўмита фракциялар ва депутатларнинг тақлиф-мулоҳазалари асосида уни иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрлайди. Қонун лойиҳаси бўйича депутатлар қандай фикр ва тақлифлар беради?.. Бу ҳақда жамоатчиликни албатта хабардор этиб боришга ҳаракат қиламан.

Тўлқин ТўРАХОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Давоми. Бошланғич 1-бетда.

улар мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаол демократик аниқлаштириш ва модернизациялаш шароитида ўтказилади. Сайлов ҳуқуқини ҳеч қандай тўсиқсиз амалга ошириш фуқароларнинг давлат бошқарувидаги иштирокининг энг муҳим кафолатларидан биридир. Қонунларда белгиланган ҳуқуқлардан самарали фойдаланиш учун, аввало, улар-

танги кунимизни ақл-заковати, интеллектуал салоҳияти билан барпо этади. Ижтимоий-сиёсий жараёнларда, демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришда ёшларимизнинг ўрни жуда муҳим. Шу боис ҳам ўтказилаётган тадбирларда уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини оширишга хизмат қиладиган мавзуларга алоҳида эътибор қаратаёلمиз. Шунингдек, сўзга чиққанлар партия аъзолари ва электорат орасида Конституциямизга қиритилган ўзгариш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти, сайлов тизимини янада демократлаштиришдаги аҳамияти тўғрисида тарғибот ишларини кучайтиришга оид тавсиялар билдиришди.

Ойтула АБДУРАИМОВА, «Истиқбол» ёшлар қаноти Самарқанд вилоят бўлими етакчиси.

«Менинг овозим — менинг тақдирим»

дан яхши хабардор бўлиш керак, албатта.

— Туманимиз аҳолисининг 21 мингга яқинини 18-30 ёшли йигит-қизлар ташкил этади, — деди Ўзбекистон ХДП туман кенгаши раиси Исमत Санаев. — Ёшларимиз эр-

эътироф этилган энг муҳим конституциявий ҳуқуқларидан биридир, — деди халқ депутатлари Пахтачи туман Кенгаши депутати Камол Бердидёров. — Бўлажак сайловларнинг сиёсий аҳамияти шундаки,

Сайлов қонунчилигига бағишланди

Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил, бошқичма-бошқич ислохотлар самарасида мамлакатимизда энг юксак демократик талаб ва халқаро стандартларга тўла жавоб берадиган, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродатини эркин билдириши, ҳар бир кишининг давлат ҳокимияти вакиллик органларига эркин сайланиши ва сайлаш ҳуқуқининг кафолатларини таъминлайдиган сайлов тизими яратилди.

Сайлов қонунчилигини янада эркинлаштириш борасида қабул қилинган чора-тадбирлар бўлажак сайловларни демократик талаблар ва умумэтироф этилган халқаро стандартларга мувофиқ равишда ўтказишнинг муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Қашқадарёда ўтган семинарда шулар ҳақида сўз юритилди.

Унда давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси доирасида сайлов қонунчилигига сайлов ҳуқуқи эркинлиги принципининг янада тўлиқроқ амалга оширилиши, мамлакатимиз сайлов тизимининг янада демократлашуви, депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга сайловолди ташвиқотини ўтказиш борасида тенг шарт-шароит яратиш самардорлигини ошириш, сайловларнинг очиклиги ва шаффоқлиги принципларини мустаҳкамлаш бўйича киритилган ўзгариш ва қўшимчалар ҳақида фикр алмашилди. Семинарда сайлов қонунчилигига оид мавзуларда маърузалар тингланди.

Ҳ. БАРОТОВ, ЎЗА мухбири.

Гулрух ОДАШБОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

Наманганда бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Унда тўрт юзга яқин корхона, ташкилот ва муассаса саккиз минг икки юздан зиёд бўш иш ўрни билан қатнашди.

Битирувчилар бандлиги эътиборда

Вилоят ҳокимлиги, прокуратура, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда меҳнат бозори талаби асосида малакали мутахассислар тайёрлаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан экани таъкидланди.

— 2013/2014 ўқув йилида вилоятда мавжуд 108 касб-хунар коллежини 40 миң 691 нафар йигит-қиз тамомлади, — дейди вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи Раҳматов Фуломов. — Уларнинг тўқсон фоиздан кўпроғи билан амалиёт ўташ ва кейинчалик ишга жойлаштириш учун 13 миңдан ортиқ корхона ва ташкилотлар билан уч томонлама шартнома тузилган. Тижорат банклари томонидан 1 миң 197 нафар коллеж битирувчисига 9 миллиард сўмдан ортиқ имтиёзли кредит ажратилиши режалаштирилган бўлиб, ҳозирги кунгача 3 миллиард 700 миллион сўм миқдорида молиявий қўмак кўрсатилди.

Ярмаркада корхоналарга ишга қабул қилинган ёш мутахассисларга меҳнат дафтари, ундан зиёд коллеж битирувчисига тижорат банкларидан имтиёзли кредит олиш учун сертификатлар топширилди. Президентимиз томонидан биз, ёшларга кўрсатилаётган эътибордан хурсандимиз, — дейди Тўрақўрғон қишлоқ ҳўжалиги касб-хунар коллежи битирувчиси Файзулло Аҳмадхонов. — Ярмаркада менга автомобилларга техник хизмат кўрсатиш бўйича бизнес лойиҳам учун «Микрокредитбанк» томонидан маблағ ажратилди. Энди ўз бизнес фаолиятимни йўлга қўйиб, янги иш ўринлари очиб ниятдаман.

Ярмаркада касб-хунар коллежини битирган 3 миң 415 ёш мутахассисга ишга жойлаштириш учун йўланма берилди.

Тадбирда Наманган вилояти ҳокими Б.Юсупов сўзга чиқди.

А.САТТОРОВ, ЎЗА мухбири.

Бизнинг юртда инсон қадрини улуғ, шаъни муқаддас

ЎзХДП: электорат манфаати

— Навоий шаҳридаги «Олтин водий» маҳалласида яшайман, 2-гурӯх ногирониман, — дейди Фармон Шарипов. — Саломатлигим мунтазам даволаниб туришни талаб этади. Аммо ҳамшиша ҳам бунга имкониятнинг бўлавермайди. Лекин худудимиздан халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгашига сайланган депутат Турсул Саматовнинг амалий ёрдами билан ўз вақтида даволаниб келаяпман.

Маълумки, Ўзбекистон Халқ демократик партияси аҳолининг жамият ва давлат алоҳида қўллаб-қувватлашига эҳтиёжманд қатлам манфаатларини ҳимоя қилиш учун курашмоқда. Айтиш кераки, Навоийдаги ЎзХДП шаҳар кенгаши томонидан бу борада қатор ишлар амалга оширилаёпти. Партия ташкилотлари худуддаги ижтимоий қўмакка муҳтож, кам таъминланган оилалар манфаати билан боғлиқ қатор ташаббусларни илгари сурмоқда. Бу жараёнда эса жисмоний имконияти чекланган кишиларга қўллаб-қувватлаш қаратаёпти.

ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун, Президентимизнинг «2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшим-

ча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини доимий назорат қилиб бораёпти. Шу жараёнда аниқланган муаммолар партия кенгаши, гуруҳларида батафсил муҳокама этиляёпти, уларга ечим топилоқда.

— Навоий шаҳридаги жисмоний имконияти чекланган кишиларнинг манфаатини ҳимоя этишда ЎзХДП-дан халқ депутатлари шаҳар Кенгашига сайланган депутатларимиз фаол ҳаракат қилишаёпти, — дейди ЎзХДП Навоий шаҳар кенгаши раиси Лола Собирова. — Йўлдош Ганиев, Фахриддин Нуруллаев, Фазлиддин Холмуродов, Турсул Саматов каби депутатларимиз шаҳримизда ис-

тикомат қилаётган жисмоний имконияти чекланган кишилар манфаати билан боғлиқ ижтимоий масалаларни ўз назоратига олишган. Мисол учун, 1-гурӯх ногиронлари Мухаббат Саидаблаева, Людмила Ивановна, Чирос Эгамова, Сония Шамилова, Рушана Жабборовна, Сухроб Раҳматов, Шаҳзод Маҳмудов, Нина Панова, Қандолат Нормуродовларни кундалик зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда уларнинг амалий қўмаклари катта бўлмоқда.

Яқинда партия кенгаши ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди шаҳар бўлими ҳамкорлигида «Янгиобод» маҳалласида истиқомат қилувчи 1-2-гурӯх ногиронлари, боқувчисини йўқотган ва кам таъминланган оила аъзолари тиббий кўриқдан ўтказилиб, керакли дори-дармонлар билан таъминланди.

— Юрломганим сабабли уйда таълим оламан, — дейди Нафиса Сойинова. — Дарсларни яхши ўзлаштиришга ҳаракат қиламан. Яқинда Ўзбекистон Халқ де-

Ватанни шарафлаш саодати

Истиқлол имкониятлари

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2014 йил 25 июлдаги Фармонида мувофиқ халқаро майдонда мамлакатимизнинг спорт соҳасидаги шон-шухратини юксалтириш, ўзбек футболининг нуфузини ошириш, миллий футбол ҳакамлари мактабларини ривожлантириш ишига қўшган муносиб ҳиссаси учун Ўзбекистон футбол федерациясининг халқаро тоифадаги ҳаками, ФИФА рефериси Равшан Эрматов «Эл-юрт хурмати» ордени билан мукофотланди.

Пойтахтимиздаги «Олимпия шон-шухрати» музейида 25 июль кўни халқаро тоифадаги ҳакамни шарафлашга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда ФИФА рефериси Равшан Эрматовга Ватанимизнинг юксак мукофоти — «Эл-юрт хурмати» ордени ҳамда Президентимиз совғаси — «Malibu» автомобили тантанали равишда топширилди.

Президентимиз раҳнамолигида ҳаётимизнинг барча жаҳонларидан амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар аввало инсон манфаатлари, халқимизнинг эзгу орзу-истаклари рўйбига хизмат қилмоқда. Айниқса, келажакимиз эгалари бўлган ёш авлодни жисмоний ва маънавий етуқ, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга қаратилган эътибор ва ғамхўрлик ўзининг юксак самараларини бераётди.

Ислам Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида дунё тамаддунига муносиб ҳисса қўшган Ал-Хоразмий, Аҳмад Фароний, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби буюк аждодларимизнинг бебаҳо мероси тикланди, улар бугунги кунда авлодларнинг тафаккурида, онгу шурарида, хислатларини фазилатларида намоён бўлмоқда.

Соҳибқирон Амир Темур салтанатида ахлоқий ва маънавий мезонга айланган «Куч — адолатдадир» шioriнинг ҳаётимиздан чуқур жой олгани, ҳар қандай шароитда адолат,

халоллик, ватанпарварлик, олижанонлик ва бағрикенглик билан иш тутиш ўзбек ўғлини Равшан Эрматов сиймосида бутун дунёга яна бир бор намоён бўлди.

— Камтарона меҳнатларимни Ватанимизнинг юксак мукофоти билан тақдирлаган Президентимизга чексиз миннатдорлик изхор этаман. Бундай эътибор ва ғамхўрлик келгусида янада юксак марралар сари рағбатлантиради, — дейди Равшан Эрматов. Жаҳон чемпионатида биз не-не улуг алломо мутафаккирларга бешик бўлган буюк юрт фарзандлари эканлигини, биз ҳеч кимдан кам эмаслигимиз ва кам бўлмаслигимизни исботлашни мақсад қилганимиз ва бу эзгу мақсадимизга етишганимиздан хурсандимиз. Учрашувларни ҳатто эътиборимизда халқимиз, миллионлаб ўзбекистонлик футбол мухлисларининг ишончини оқлаш масъулияти бизга катта куч-ғайрат бағишлади.

Бразилияда ўтган футбол бўйича жаҳон чемпионатини миллиардлаб мухлислар томоша қилди. Улар орасида сайёрамизнинг барча минтақалари вакиллари бор. Улар мусобақани «Ўзбекистонлик ҳакам Равшан Эрматов бошқаради», деган сўзларни турли тилларда эшитди. Демак, улар яна бир карра Ўзбекистон, ўзбек халқи ҳақида маълумотга эга бўлди. Иқтисодиёт, илм-фан, маданият ва санъат ҳамда бошқа соҳаларда дунёга донг таратаётган жонаҳон Ватанимиз спортнинг энг оммавий тури бўлган

футбол соҳасида ҳам жаҳон узра шухрат қозонди. Зеро, футбол ўйнаш қанчалар оғир, машаққатли бўлса, унга ҳакамлик қилиш, боз устига жаҳон чемпионати ўйинларида ҳакамлик қилиш, дунёнинг манамен деган жамоаларининг футболчиларини бошқариш, уларнинг ҳар бир ҳаракатига вақтида, беҳато, адолатли баҳо бериш — қарор чиқариш шунчалар қийин ва масъулиятлидир. Ана шундай ўта оғир масъулиятни ўзбек ўғлини шараф билан бажаргани ҳаммамизнинг қалбимизни гурур-ифтихорга тўлдирди.

Энди айтиш, агар юртимиз мустақил бўлмаганида, Президентимиз томонидан спортга, спортчиларга шунчалар эътибор қаратилмаганида бундай ютуқлар бўлармиди?! Тасаввур ҳам қилиб бўлмасди! Бир пайтлар бизга менсимай, паст назар билан қараганлар энди «Ўзбекистон ҳакамлар мактабидан ўрганиш керак», деб ёзмақда. Демак, тан олишга, эътибор этишга мажбур бўлмоқда. Демак, ҳақиқат, адолат қарор топтоқда. Бу ўз-ўзидан бўлмайди, албатта.

Р.Эрматов футбол бўйича деярли барча нуфузли мусобақаларни — 2007 ва 2009 йилларда ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги жаҳон биринчиликлари, 2008 ва 2011 йилларда клуб ўртасидаги жаҳон чемпионатлари финали, 2010 йилги жаҳон чемпионати, 2011 йилги Осиё кубоги финали, 2012 йили XXX ёзги Олимпия ўйинларининг футбол учрашувлари, 2013 йилда эса Бразилияда ўтган конфедерациялар кубоги баҳсларини бошқарган.

Унинг 2010 йили Жанубий Африка Республикаси ва жорий йилда Бразилияда ўтган футбол бўйича жаҳон чемпионатларида кетма-кет иштирок этиши ўзбек футболининг, бутун Ўзбекистон спортининг улкан ютуғи бўлди. 2010 йилги мундиалнинг очилиш маросими ва яна тўртта учрашуви аъло даражада бошқариб, дунёнинг манамен деган давлатларини ва Ўзбекистон спортчиларининг салоҳияти ва қудратини намоён эта олди.



Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йил 20 июлдаги Фармонида мувофиқ ўзбек футболининг шухратини жаҳонга танитиш, халқаро майдонда унинг нуфузини юксалтиришга ибрат ва намуна қўрсатгани, миллий футбол ҳакамлари мактабларини ривожлантириш ишига қўшган муносиб ҳиссаси учун Равшан Эрматов «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони билан тақдирланди.

Р.Эрматов Осиёнинг «Энг яхши ҳакам» номинациясида кетма-кет тўрт мартаба ғолиб бўлган китамиздаги биринчи ва ҳозирча ягона футбол ҳакамидир. Халқаро футбол уюшмалари федерацияси уш 2011 йилда жаҳоннинг энг яхши ҳаками, деб эътироф этди. Мамлакатимиз ва халқаро миқёсдаги мусобақаларни одилона ва юқори савияда бошқариб келаятган ҳакамимизнинг 2013 йил янги кўнидаги ҳакамлик рейтингининг юқори поғоналаридан жой олди.

Тадбирда ўзбек ҳакамининг бундай юксак муваффақияти мамлакатимиз мустақиллиги ва Президентимиз Ислам Каримов томонидан спортни, хусусан, футболни ривожлантиришга қаратилган доимий эътибор ва ғамхўрликнинг амалий самараси экани алоҳида таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида ёшларимизнинг ўз ақл-заковати, истеводдини тўла намоён этиши, маҳоратини юксаттириб бериши, юксак маънавий, баркамол инсонлар сифатида камолга етиши учун зарур шароит ва имкониятлар сафарбар этилмоқда. Бунинг самарасида юртимизнинг барча худудларида аҳолининг, айниқса, ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Жумладан, миллионлар ўйини — футболни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ўзининг юксак самараларини бераётди. Президентимизнинг 2006 йил 1 майдаги «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ва 2011 йил 19 январдаги «2011-2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ўзбек футболни тараққийти

қаратилган доимий эътибор ва ғамхўрликнинг амалий самараси экани алоҳида таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида ёшларимизнинг ўз ақл-заковати, истеводдини тўла намоён этиши, маҳоратини юксаттириб бериши, юксак маънавий, баркамол инсонлар сифатида камолга етиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Бунинг самарасида юртимизнинг барча худудларида аҳолининг, айниқса, ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Жумладан, миллионлар ўйини — футболни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ўзининг юксак самараларини бераётди. Президентимизнинг 2006 йил 1 майдаги «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ва 2011 йил 19 январдаги «2011-2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ўзбек футболни тараққийти

яни босқичга кўтарди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда болалар ва ўсмирлар футболли тубдан ислоҳ қилинди. Футбол бўйича болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, ихтисослашган мактаб-интернатлари ва футбол академиялари фаолият қўрсатишга, жаҳон талабларига жавоб берадиган замонавий футбол стадионлари барпо этилмоқда, мавзудлари қайта реконструкция қилинмоқда, халқаро майдонда юртимиз шарафини ҳимоя қилишга қодир футболчиларни тарбиялаш, маънавий мураббий ва ҳакамлар тайёрлашни янада кучайтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ана шундай эътибор ва ғамхўрлик самарасида ўзбек футбол катта ютуқларга эришди. Ўтган йиллар давомида ёш футболчиларимиз Мексика, Туркия, Бирлашган Араб Амириклари ва Эрон каби давлатларда ўтказилган жаҳон ва Осиё чемпионатларида муносиб иштирок этди. Ўзбекистон футбол федерацияси ФИФАнинг «Fair Play» (халол ўйин) соврини билан тақдирланди.

ФИФА рефериси Равшан Эрматовнинг кетма-кет иккита жаҳон чемпионатида ҳакамлик

қилгани ҳам ана шу эътиборнинг амалий ифодаси бўлди.

Бразилия майдонларида ўтказилган жаҳон чемпионатида Европада тўққизта, Жанубий Америкадан бешта, Осиёдан тўртта, Африка ва Шимолий Америкадан учтадан, Океания минтақасидан битта ҳакамлар бригадаси иштирок этди. Равшан Эрматов Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Болтиққизли маҳлақатлари вакиллари орасида ушбу жаҳон чемпионатида жалб этилган ягона бош ҳакам бўлди.

Нуфузли мусобақада Равшан Эрматов бошчилигидаги ҳакамлар бригадаси жами тўртта учрашуви — гуруҳ босқичида Швейцария — Эквадор, АҚШ — Германия ва Мексика — Хорватия, чорак финалда Голландия — Коста-Рика терма жамоалари ўртасидаги учрашувларни юқори савияда бошқарди. Р.Эрматов ҳакамлик фаолияти давомида жаҳон чемпионатлари финал босқичида энг кўп — 9 учрашув бошқариб, дунё рекордини ўрнатди.

— Халқаро майдонларда Ватан шарафини ҳимоя қилиш, унинг обрўсини юксалтириш катта бахт, — дейди Равшан Эрматов. — Футбол оламининг энг нуфузли мусобақаси — жаҳон чемпионатида Ўзбекистон номидан катнашганимиздан фахрланамиз. Халқаро майдондаги бундай муваффақиятимиз замирида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида спортни, жумладан, футболни ривожлантиришга қаратилган юксак эътибор ва ғамхўрлик муваффақияти.


Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат бошқаруви академияси ректори Абдужаббор Абдувоҳидов, Ўзбекистон халқ шoirлари Иқбол Мирзо, Сирожиддин Саййиди, Ўзбекистон халқ артисти Озодбек Назарбеков, оғир атлетика бўйича жаҳон чемпиони Руслан Нуруiddинов ва бошқалар мамлакатимизда спортни ривожлантиришга ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатаётган улкан эътибори учун Президентимиз Ислам Каримовга миннатдорлик изхор этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев сўзга чиқди.

Байрам АЙТМУРОВО,
Ўза мухбири.

Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

Йигирма уч йил тарихан қисқа давр. Аммо шу фурсатда мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида асрларга татигулик улкан ишлар амалга оширилдики, бу мамлакат иқтисодиётининг мустаҳкамланишига, шон-шухратининг ошишига, аҳоли турмуш фаровонлигининг янада яхшилланишига хизмат қилди. Бугун қайси бир соҳани олмайлик, унинг ақин ўтмишидаги ва бугунги ҳолатини қиёслаб, ким эдиғу ким бўлди, деган саволга жавоб топамиз.



шароитлар ҳақида эса соатлаб гапирсанг камлик қилади. Мароқанд — Қарши темир йўли ташқи электр тармоғи қурилиши ниятига етган, теъзорар поездлар Тошкентдан Самарқанд орқали Қаршига ҳам қатъий бошлайди. Кейин эса навбат — Термизга.

Мароқанд — Қарши темир йўли ташқи электр тармоғи қурилиши бўйича жами бажарилган қурилиш-монтаж ишлари қиймати 12 миллиард сўмдан ошди. Мазкур ишлотта йил охирида электр қурилиши берилиши режалаштирилган. Бу эса жанубий вилоят — Қашқадарёнинг Самарқанд Тошкент билан боғланишидаги имкониятларини янада оширади. Юқорида таърифлаганимиз — мустақиллигимиз мўъжизаларидан бири сифатида эътироф этилаётган теъзорар поездлар қашқадарёликларнинг ҳам энг сеvimли ва қулай транспортга айланади.

Президентимизнинг «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қаро-

минотида муаммо йўқ. Менга «Қишлоққурилишбанк»нинг Самарқанд филиалидан энг кам иш ҳақининг минг баравари миқдорда имтиёзли кредит ажратилди. Қўшниларим ҳам ўзимга ўхшаш ёш оилалар. Яратилган шарт-шароитлар ҳақида улар ҳам оғзиларидан бол томиб қаришади.

Айтиш мумкинки, Самарқанд туманида истиқлол йилларида иختисмоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жабҳаларда улкан ишлар амалга оширилди. Туман қишлоқлари таниб бўлмас даражада ўзгариб, аҳоли турмуш фаровонлиги юксалди.

— 2009-2013 йиллар мобайнида 3 та қишлоқ массивида 496 та намунавий уй-жой барпо этилди, — дейди «Маҳалла» жамоат фонди тўғрисидаги раис Шерали Ҳамроқулов. — Уларнинг асосий қисми Янгиариқ худудига тўғри келади. Бугун обод манзилга айланган Янгиариқнинг янги ҳовилларида кейинги тўрт йилда 455 та хонадон қўчиб кирди. Асосийси, қурилиш жараёнида уй-жойлар қийматининг асосиз равишда ошиб кетмаслигига, мақсадга эришиш учун маҳаллий хомашёдан, замонавий қурилиш материалларидан кенг фойдаланишга эътибор қаратилган.

Янгиариқ катта йўл ёқасида, туман маркази — Гулобод шаҳарчаси ёнига яқинда жойлашган бўлса-да, илгари ташландиқ ерлардан иборат эди. Бугун эса унинг қиёфасига ҳамма ҳавас қилади. Янги уй-жойлар қурилиши муносибати билан Янгиариқ массивида янги «Янгиариқ» маҳалласи ташкил топди. Маҳалла ўртасида замонавий мактаб қад ростлади. Савдо, маънавий хизмат шохобчалари очилди. Кўчаларга асфальт ётқизилди. Ховил-жойлар ва улар атрофи гулу гулзорларга бурқанди, ичимлик суви, табиий газ келтирилди, электр таъминоти йўлга қўйилди.

Буларнинг барчаси аввало, истиқлол туфайли ва халқимизга муносиб турмуш шароити яратиб бериш мақсадида қилинаётган эзгу ишлар самарасидир.

Абдурашул САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Жорий йил бошидан буён мамлакатимизда жами 5,8 миллион квадрат метр

(2013 йилнинг шу даврига нисбатан 113,9 фоиз), жумладан, қишлоқ жойларда 4,4 миллион квадрат метр уй-жой (115,9 фоиз) фойдаланишга топширилди. 1,7 минг километр сув таъминоти тармоғи (жумладан, қишлоқ жойларда 1,5 минг километр) ва 289 километр газ тармоқлари (212,9 километр) барпо этилди.

Огоҳлик бор жойда — тинчлик барқарор

Қарор ва ижро

Ҳар қандай моддий бойлик яратилгани ҳаманоқ биринчи навбатда уни қўриқлаш ва жиний таъжовулардан ҳимоя қилиш масаласи юзага келади. Шу муносабат билан давлат мулки, аҳоли турар-жойлари, мол-мулкнинг дахлсизлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ички ишлар органлари ҳузурида қўриқлаш хизмати ташкил қилинган. Ушбу хизмат фаолияти самарадорлигини ошириш борасида бир қатор ўзгаришлар амалга оширилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 24 январдаги «Ўзбекистон Республикасида қўриқлаш фаолиятини тартибга солиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан юртимизда фаолият юритаётган хусусий нодавлат қўриқлаш ташкилотлари фаолиятига чек қўйилиши ички ишлар органлари ҳузуридаги қўриқлаш бўлиmlарини зиммасига катта масъулият юқлади.

Республика қўриқлаш бўлиmlарини томонидан объектларни қўриқлаш ва хавфсизлигини таъминлаш борасида нарядлар фаолиятини ташкил этиш ва назорат қилиш, турли кўринишдаги ҳуқуқбузарликлар ҳамда факулдада вази-ялар содир этилишининг олдини олишга қаратилган қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, жорий йил боши-

дан буён 1800 та объект янгитдан қўриққа олинди. Ҳозирги кунда қўриқлаш бўлиmlари томонидан турли вазирлик, ташкилотлар ва бошқа хусусий юридик шахсларга тегишли 19000 дан ортиқ объектнинг хавфсизлиги таъминланган.

Тегишли хизмат ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирлар давомида 1223 та жиноятнинг олди олинди. 1387 нафар шахс жиноят содир этишда гумондор сифатида ушланиб, худудий ички ишлар идоралари наҳбатчилик қисмларига келтирилди. Ушбу шахсларга нисбатан тергов идоралари томонидан 1208 та жиний иш қўзғатилди.

Жумладан, Тошкент шаҳар М.Улуғбек туманидаги Қорасув-1 даҳасида жойлашган «Наврўз» кафеси олдида

О.Алиқулов фўқаро Е.Юсупова тегишли 200000 сўмлик «Нокция» ва 400000 сўмлик бўлган «Самсунг» русумли уяли телефон аппаратларини тортиб олиб, воқеа жойидан яширинишга уринган. Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуриндаги қўриқлаш бошқармасининг 4-алоҳида милиция батальони ходимлари томонидан ўз вақтида ашёвий далил билан ушланди. Мазкур ҳолат юзасида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 166-моддасига қўра, жиноят иши қўзғатилди.

Бахтиёр Ҳусанов Ҳамза тумани Авиасозлар даҳаси, 1-мавзе, 5-уй, 3-хонадоннинг дераза ойнасини синдириб ичкарга кирган. Воқеа жойига ўз вақтида етиб келган туман ИИБ қўриқлаш бўлими ходимлари ўғрини жиноят устиди ушланди.

Яратилган моддий неъматларни асраш-авайлаш, уни турли таъжовулардан ҳимоялаш бизнинг бурчимиз ҳисобланади. Бу борада ўзаро ҳамкорлик ва аҳолининг огоҳлиги муҳим аҳамиятга эга. Дарҳақиқат, огоҳлик бор жойда тинчлик бор, хавфсизлик барқарор.

Фохриддин РАДЖАПОВ,
ИИБ ҳузуриндаги «Қўриқлаш» бирлашмаси бошлиғи ўринбосари, подполковник.

Эзгу ниятлар, эзгу ишлар одамлар турмушини фаровонлаштирмоқда

Яқинда «Ўзбекэнерго» давлат акционерлик компаниясининг «Ўзқишлоқэлектрқурилиш» очик акциядорлик жамияти бош муҳандиси Бобур Саидмуродов билан суҳбатлашдик қолдим. У 110 киловольтли Мароқанд — Қарши темир йўли ташқи электр тармоғи қурилиши ҳақида гапириб берди:

— Мазкур электр тармоғи қурилиши Президентимизнинг 2012 йил 5 январдаги «Осиё Тараққиёт банки иштирокида «Мароқанд — Қарши темир йўли участкасини электрлаштириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан лойиҳалаштирилган. Бундан мақсад келгусида темир йўл тизимини ривожлантириш, юк ва йўловчи ташидида хизмат кўрсатиш савиясини ошириш, темир йўл транспортда замонавий технологиялар-

ни татбиқ қилишга қаратилган. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун «Ўзқишлоқэлектрқурилиш» ОАЖ бош пудратчи этиб тайинланди. Бу корхонага билдирилган жуда катта ишонч эди.

Ўзингиз тасаввур қилинг, Мустақилликка қадар темир йўл тизимидаги ишлар қандай аҳволда эди? Поездларнинг секин ҳаракати, вагонлардаги тирбандлик, вокзал касаларидаги чипта муаммоси, ҳамма-ҳаммаси асабга тегса-да, чидашга, тишини тийша қўйишга мажбур эдик. Бугун-чи? Биргина «Афросиёб» теъзорар поездини олайлик. Бу бир муъжиза. Энди Самарқанд Тошкент йўл қадам. Нафақат, халқимиз, ҳатто хоржиқликлар ҳам ҳайратда. Икки соатдан нари бери вақтда, йўловчи нафсини ростлаб улгурмай Тошкентдан Самарқандга етиб келса-я... Поезд вагонларида яратилган шарт-

ри асосида 2014 йилга қадар республикада 33557 та уй-жой қурилди. «Ўзқишлоқэлектрқурилиш» ОАЖ томонидан биргина 2014 йилнинг ўзида Қашқадарё вилоятида намунавий лойиҳалардаги 1172 та уй-жойга 31,34 километр, Самарқандда 1127 та уй-жойга 32,27 километр, Сурхондарёда 24,89, Бухорода 22,43, Навоийда 18,44, Жиззахда 15,98 километр электр тармоғи тортилади. Бугунга қадар эса мазкур олти вилоятда режалаштирилган ишларнинг асосий қисми бажарилиб қўйилди.

— Ўтган йили 5 хоналик уйга қўчиб кирдик, — дейди Самарқанд туманида истиқомат қилувчи Уткир Исмолов. — Уйга кирган пайлада турмуш ўртомим ва фарзандларимнинг қувончини кўриб, ўзимни қўярга жой топа олмадим. Табиий газ, электр энергияси, ичимлик суви таъ-



Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи жамоаси

Халқимизни муборак

Рамазон ҳайити

билан табриклайди.



Барчага тинчлик ва омонлик тилайди.

**Аҳиллик, меҳр-оқибат доимо йўлдошимиз бўлсин.
Ҳайитингиз муборак, азизлар!**



Газетанинг навбатдаги сони 31 июль, пайшанба куни чиқади.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 760
11713
nuxxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'ZA yakuni — 22.25
Topshirilgan vaqti — 23.10

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633



1 2 3 4 5